

миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан қелиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси куйини йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундуровга қаратилган, шуниингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолатларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашини ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд булмаганда;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн барабари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олиннадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олиннадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги ҳолатларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;